

Баъзи дастур ва рисоаларда турли машхур шахсларнинг эътиборга молик сўзлари янграйди. Ана шу саҳифаларда Гёте, Толстой ва бошқа бир катор жaxon дурдоналарига муаллифлик қилган даҳоларнинг эътиқодий иқрорлари муҳлисларга тортиқ этилади. Биз бироз атеистик руҳ ҳукмронлик қилган даврда яшаганимиз боисми, юкорида номлари зикр қилинган шахсларнинг бу иқрорларига бироз шубҳа қилинарди. Аммо... Бу ерда шубҳанинг ўрни йўқ. Мен шахсан Гёте бўладими, Толстой бўладими, умрининг охирида шариати исломияни қабул қилибди, деса ажабланмайман. Чунки уларнинг асарларини ўқиган инсон жуда яхши биладики, Толстой ҳам, Гёте ҳам ҳолис одамлар бўлишган. Буюқ адибларни бирлаштириб турадиган бир жиҳат бор: улар қандай услубда асар ёзган бўлмасинлар, бош мақсадлари инсониятнинг бахт-саодати бўлган.

Буюқ тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳолис, чин қалбдан ҳақиқатни излаган киши албатта ИСЛОМни қабул қилади. Бизда одамлар сизга ўхшаб фикрлашга ўрганиб қолишган: «Йўғ-э, Толстой Аллохни ягона илоҳ деганми, Гёте пайгамбаримизга бағишлаб шеърлар ёзганми?» деган саволларнинг замирида исломга нисбатан ҳурматсизлик ётади.

Таникли шахслар ҳақида гапиришни бошлаганимда, таниш акаларимиздан бири мендан сўраб қолди: «Толстой ростдан мусулмон бўлганми?»,- деб. Мен ундан сўрадим: «Нега ажабланиясиз? Нима бўпти мусулмонликни қабул қилган бўлса?» «Йўқ», - дедию, жим бўлиб қолди. Мен шунда ундан яна сўрадим: «Ака, хафа бўлманг-у сиз Толстойни буюқ даҳо деб биласиз, шунга ишонасиз. Аммо исломни ҳақ дин дейсиз-у унчалик ишонмайсиз. Агар сиз муқаддас динимизни ҳаққи рост Аллохнинг динидеб билганингизда, биласизми, нима дердингиз: «Хўп, Толстой мусулмон бўлган эрса нима бўпти? Агар у чиндан ҳам қалимаи тавҳидни айтиб кетган бўлса, бу унинг ютуғи, исломнинг эмас. Аллохнинг дини Толстой ва Гётенинг иқрорига муҳтож эмас, балки «буюқ даҳолар»нинг ўзлари исломга муҳтождирлар».

Қимдир менга шу ерда савол бериб қолади: «Хўп, сиз уларни исломни қабул қилган деяпсиз. Аммо Гёте ва Толстой яшаган муҳитда уларга ҳақ қалималарни қим етказиши мумкин?»

Ҳақиқатни Аллох етказди. Албатта, турли сабаблари билан. Кейин, бир нарсани яхши билиб олинки, ҳар қандай инсоннинг қалби бор, юрағи бор, иймонга чорловчи раҳмоний туйғулари бор. Ана шу туйғулар инсонни бир умр силқитиб туради. Бизга университетда Толстой ҳақида ҳам, Гёте ҳақида ҳам маълумот беришган. Биласизми, мени нима ажаблантирган: уларнинг иккиси ҳам рус ва немис халқи учун кадрли бўлган ва умрларининг охирида «телба бўлиб қолишган». Қизиг-а, дунё адабиётини елкасида тутиб турган бу икки даҳони осонгина, икки жумлада: «хаётларининг охирида телба чол бўлиб қолишди», деган таъриф остига солиб қўя қолишса? Сиз шубҳаланмайсизми бу сўзларга? «Телбалар»нинг бир пайтлар - «акллари етук» даврда ёзган китобларини кўзларига суртишади-ю, умрларининг охирида айтган васиятларини мактаб дастурларидан олиб ташлашади. Инсофсизлик бу!

Мен бу ҳолатни талабалик давримдаги бир воқеага ўхшатаман. Журналистика факултетида ўқиб юрган маҳалларим рус адабиётидан бир аёл дарс берарди. Толстойни жуда яхши кўрганидан, деярли ҳар дарсда унинг асаридан иқтибос келтирарди. Бир куни бир дўстим китмирлик қилиб ундан сўради: «Кечирасиз, сиз Толстойни жуда яхши кўрасиз. Унинг асарларига жиддий эътибор берадиган бўлсак, Лев Николаэвич яхши образ сифатида намойиш этган аёлларнинг аксари уйда ўтирадиган, салобатли ва кўчага чиққанларида ёпинчикларини ёпиб юрадиган аёллар экани ойдинлашади. Толстой: «Аёлнинг гўзаллиги уйдан ташқарига чиқса, унга путур етади», деган. Нега сиз Толстойни яхши кўрсангиз, унинг фикри билан ҳисоблашмайсиз?»

Ўшанда ўқитувчимиз нима деб жавоб берган, биласизми: «Толстойнинг шу фикрларига қаршиман»

Ажабо, «умрининг охирида телба чол бўлиб қолди» дегувчилар нақадар шу аёлга ўхшашлар-а!